



EZGU FIKR, EZGU SO'Z, EZGU AMAL!

ILM SARCHASHMALARI



2012-10

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA
MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**

**AL-XORAZMIY NOMIDAGI
URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI**

Ilm sarchashmalari

O‘zR Oliy Attestatsiya Komissiyasi Rayosatining 2004-yil 29-yanvardagi 101/4 qarori bilan jurnal filologiya fanlari va 2007-yil 29-noyabdagi 139/5 qarori bilan tarix hamda falsafa fanlari bo‘yicha OAKning ilmiy nashrlari ro‘yxatiga kiritilgan.

10. 2012

научно-методический журнал
Издаётся с 2001 года

Постановлением Президиума ВАКа журнал включен в список научных изданий ВАКа № 101/4 от 29 января 2004 года по филологическим наукам, №139/5 от 29.XI.2007 по историческим и философским наукам.

MUNDARIJA

А. Примов. Тил – миллатнинг мулки ва бебаҳо бойлиги.....	3
--	---

MATEMATIKA

А. Хасанов, О. Матякубов. Об обратной задаче для канонической системы уравнений Дирака.....	7
А. Хасанов, Т. Алланазарова. Об обратной задаче для уравнения Штурма-Лиувилля.....	9

TARIX VA ARXEOLOGIYA

Д. Курбонова. Қадимги Хоразмнинг қалтаминор маданияти.....	12
О. Иномов. Қовунчи маданиятининг даврлаштирилиши ҳақида баъзи бир мулоҳазалар.....	14
Г. Хусанбекова. XX асрнинг 20–30-йилларида Совет ҳукуматининг моддий, маънавий, диний меросга муносабати.....	16

TILSHUNOSLIK

М. Ҳақимова. Жисмоний ҳолатни номловчи субстантивларда абстракциянинг даражаланиши.....	19
М. Раджабова. Киши номлари билан келган фразеологизмларни инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилишда уларнинг гендер хусусиятларини тадқиқ қилиш.....	23
С. Салиева. Аёллар нутқида белги билдирувчи бирликларнинг қўлланилиши хусусида.....	27
М. Исаева. Бадиий матнга хос диалогик нутқда қўлланувчи баъзи лексик дисфемизмларнинг гендер хусусиятлари.....	31
А. Ҳамидов. “Лолазор”да синонимлар поэтикаси.....	36
Ё. Саидов. Жадид лирик асарларидаги арабий лексика ва унинг мавзуий таснифи.....	40

ADABIYOTSHUNOSLIK

М. Алиева. Ўзбек адабиёти инглиз тилида: кеча ва бугун.....	46
Қ. Пардаев. Муқимий шеърларида давр зиддиятлари тасвири.....	50
Л. Сағатова. Ийҳом санъатининг лингвопоэтик таҳлили.....	53
С. Расулова. Тоҳир маликнинг “Фалак” қиссаси ҳақида.....	57
Б. Халмуратов. Ўзбек халқи дунёкараши ва диний қараплари тизимида “момо” култи.....	61

ILMIY AXBOROT

Н. Бекмухамедова. История формирования брачных объявлений.....	66
Г. Валихонова. Соқит ҳақида биласизми?.....	68
Ю. Пўлатов. Ўзбекистон қоятош тасвирларидаги асосий мавзулар ва уларнинг таҳлили ва	

байтида тўғри маъноли образлилик ва фразеологик шаклланиш полифония ҳосил қилиши асосида ийҳом шаклланган.

Хулосамиз шундан иборатки, ийҳом сўзнинг кўчма мажозий маъноси, омолексемалар, энантиосемиялар, логик урғу, валентланиш, метафора ҳодисаси, тўғри маъно ва фраземанинг полифония ҳосил қилиши асосларида юзга келиши мумкин.

Резюме

Мақолада ийҳом санъатининг ўзига хос жиҳатлари, бадиий тасвир яратишдаги ўрн мисоллар асосида таҳлил қилинган.

Резюме

В статье отражены специфические особенности художественного стиля «ийҳом».

Resume

In this article are analyzed individual characters of literary art (Iyhom), and for creating of literary representation with examples.

Сарвиноз Расулова¹

ТОҲИР МАЛИКНИНГ “ФАЛАК” ҚИССАСИ ҲАҚИДА

Тоҳир Малик ўзининг ижод намуналари билан бугунги адабий жараёнда фаол иштирок этаётган ёзувчилардан биридир. Шу кунгача унинг кўплаб ҳикоялари, қиссалари, романлари, ахлоқий рисоалари ўқувчиларга тақдим этилди. Улар ҳақида бир қанча мақолалар эълон қилинди. Биз ҳам бугун ёзувчининг илк ижод намуналаридан ҳисобланган “Фалак” қиссаси хусусида сўз юритмоқчимиз.

Бу асар Тоҳир Маликни иқтидорли фантаст ёзувчи сифатида халқимизга танитган. “Фалак” қиссаси адибнинг бадиий салоҳияти, теран тафаккури, нозик мушоҳадасидан далолат беради. Унда инсонга, она заминга муҳаббат ғоялари илғари сурилади. Ёзувчи ушбу қиссада XX аср олимлари билан мирзо Улуғбек давридаги олимлар ҳаётини тасвирлайди. Асарда уч олим Султон, Жаҳонгир, Тўлқинларнинг ҳаёти ҳикоя қилинади. Улар ёшликдан бирга ўсган, учаласининг ҳам соҳаси бошқа-бошқа. Жаҳонгир Биофизика институтининг етакчи олимларидан, Султон Арманистонда кўзга кўринган археолог, Тўлқин эса ёзувчи. Қисса бошидан охиригача яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги узок давом этган муросасиз кураш кўринишларидан иборат.

Султон шогирди Асад Муллаевнинг Булокбошидан топган иккита тоштобутини кўриш, текшириш мақсадида келади. Тоштобутдагилар ким ва улар қайси асрларда яшаганликларини билиш учун эса Жаҳонгир Алиевнинг ёрдамига суянади. Унинг кашфиёти элаллома (электрон аллома) бўлиб, у ўлган одамнинг мурдасини текшириб, мурда ҳақдаги барча маълумотларни қоғозга тушириб беради. Жаҳонгир ана шу элалломанинг қандай

¹ Сарвиноз Расулова, ЎзМУ стажёр-тадқиқотчи-излаувчиси.

ишлаётганлигини текшириш учун ўз миясига иккита электрод ўрнатади ва оқибатда унинг ҳаёти бутунлай ўзгариб кетади.

Тоштобутдаги мурдалар мирзо Улуғбекнинг яқин кишиси ва шоғирди Шамсибек ва унинг рафиқасига тегишли бўлиб, асарда ҳозирги кун ва тарих воқеалари бараварига акс этади. Ёзувчи бугунги кун олимини тарихга, яъни Улуғбек даврига саёҳат қилдиради ва у ўз кўзлари билан шохни кўради, у билан суҳбат куради.

Асарда фалакнусха палак ҳақида ҳикоя қилинади. Мирзо Улуғбек Шамсибекнинг хотини Маҳфуза тиккан ушбу палак барчанинг уйида бўлишини хоҳлаган. Ёзувчи ана шу палак тарихини маҳорат билан асарга киргизган. Асарда палак қуйидагича тасвирланади: “Ёстик ўрнига қўйилган кўм-кўк матода тилла рангидаги ажойиб тасвирлар бор эди. Матоларнинг иккови ҳам бир хилда бўлиб, ўртасида кунгабоқарни эслувчи катта доира, қолган ерларида юлдузга ўхшовчи белгилар бор эди”.¹

Маълумки, Улуғбек мирзо астрономия илмининг етакчи олимларидан эди. Мана бу палакка туширилган шакллар ҳам осмоннинг кўриниши бўлиб, ўртадаги доира – қуёш, доирага ёпишган ҳалқачалар – унинг нури, доира атрофига тикилган кўпқирра – юлдузнинг тасвири. Қуёш мажмуасига кирувчи сайёралар бўлса керак, қолган тасвирлар бошқа юлдузларни акс эттирган. Бу тасвирга туширилган гелиоцентрик назария эди. Худди шу таъриф асарда ҳам айнан берилди. Шунинг учун ҳам ёзувчи қиссага фалак деб ном беради.

Асарда Ғаниполвоннинг фожиали ҳаёти ҳам тасвирланади. Ғаниполвонга ўхшаган одамлар ўзлари тўғри бўлганликлари, бировга ёмонлик қилишни ўйламаганликлари учун кимлардандир ёмонлик келиши мумкинлигини ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар. Шу боис ўзларини ҳимоялашни ўйламайдилар. Ғаниполвон бир қизни севади. Ҳатто уни ҳам ёмонлардан ҳимоя қила олмайди. Оқибатда қизнинг ҳам, ўзининг ҳам ҳаёти захар-заққумга айланади. Улар бир он бўлса-да, яъни тўй кунлари бахтдан масрур бўлади. Аммо одам қиёфасидаги иблислар уларни ўлимга маҳкум қиладилар. Уларнинг ўлим олдидаги қиёфаларини ёзувчи жуда оддий, аммо таъсирли қилиб тасвирлайди: “...Ғанимуроднинг завжаси енгил кўйлақда, сочлари ёйик ҳолда кўзларини чақчайтириб турарди... Аёл бирдан қичқириб юборди. Сўнг йиғламсираб орқага тисарилди. Кейин яна бир қичқириб, отилганча кўчага чикди-да, югуриб кетди... Дам этмай аёл кетган томондан унинг қаҳ-қаҳ уриб кулган овози келди... Ғанимурод чалқанча тушиб ётар, кўзи маъносиз боқарди. Шамсибек аввал унинг томирини ушлади. Мижжасини қайтариб кўрди. Сўнг бошини эҳтиёткорлик билан пайпаслади. Ғанимурод ингради”.²

Кўриниб турибдики, аёл телба бўлиб қолган. Уни ҳаётнинг оғир синовлари шу кўйга солган. Дунёга келиб ҳеч бир рўшнолик кўрмай ўтади.

¹ Тоҳир Малик. Танланган асарлар. 1-жилд. Т., “Шарқ”, 2004, 13-бет.

² Ўша манба. 76 – 77-бетлар.

Ғанимуроднинг аҳволи эса маълум. Кўзининг маъносиз боқиши унинг бу ҳаётда умиди сўнганлигини англатади.

Ёзувчи асарда барча қаҳрамонларга алоҳида таъриф беради. Эпизодик қаҳрамонларга ҳам қисқа бўлса-да характеристика бериб ўтади. Асарда Улуғбек давридаги маълум бир давр, яъни Доруш-шифо билан Байтул-ҳикманнинг қурилиши билан боғлиқ воқеалар тасвирланади. Ўша даврдаги олимлар ва уларнинг кашфиётлари ҳақида фикр юритади. Ана шундай образлардан бири Шамсибек исмли ҳам табиб, ҳам олим йигит бўлиб, у мирзо Улуғбекнинг назарига тушади. Унинг ўқиган биргина шеъри шоҳни ўзига маҳлиё этади. Бу шеър ушбудир:

“То қайгу қўлидан идмасдан шароб,

Кувониб ичмадим асло майи ноб.

Ҳеч кимнинг тузига нон ботирмайман,

То ўз жигаримдан емайин кабоб.

Улуғбекнинг юзида кулгу ўйнади. Бундай пайтда унинг кўзлари яна ҳам меҳрли боқарди. У соқолини силаб, ёнидаги кишига деди:

– Мавлоно, тахминингиз таҳсинга лойиқ. Йигит сиз айтгандай қобил. Ажнихимизга чакириб янглишмабмиз”.¹ Мана шу парчадан ҳам Шамсибекнинг қандай инсонлиги кўриниб турибди. У доим инсонларга яхшилик қилади. Устозлари уни “фуқарога хиёнат қилишга ўргатишмаган”. Ҳалоллик унга отасидан ўтган. Сабоқдоши Абдулваҳоб унга ёмонлик қилса ҳам, иғво таркатса ҳам, уйини тошбўрон қилса ҳам, унга ҳеч нима демайди. Фақатгина унинг бесамар ўтаётган умрига ачинади. Ҳатто Абдулваҳоб уни тошбўрон қилиб, қаландарларга урдириб, охир-оқибат ўлимига сабабчи бўлса ҳам, бир оғиз гапирмайди. Уларнинг кўзларигина суҳбатлашади: “Ҳамқишлоқ, сабоқдошларнинг бири шу онда ночор, бири эса голиб кишининг яширин кувончига эга эди. Тўқнашган кўзлар бир лаҳзада буткул нозоларга ҳукм чиқарди:

– Мен кўлингиздан шундай иш келар, деб ўйламаган эдим, – деди Шамсибекнинг кўзлари.

– Мен эса қулай фурсатни узоқ вақт кутдим, – деди Абдулваҳобнинг кўзлари.

– Сиз ҳамқишлоқингизга азобни раво кўриб, гуноҳга ботасиз.

– Мен сабоқдошимга қўл кўтармайман. Унга Тангрининг гадолари жазо берадилар.

– Жоҳиллик идрокдан устун бўлмаслиги лозим.

– Аммо идрок жоҳилликка барҳам беролмайди...”²

Бундан ташқари, қиссада олимларнинг ҳаёти ҳақида ҳам ҳикоя қилинади. Бунда ҳам икки давр воқеалари тасвирланади. Булар Улуғбек давридаги толиби илмларнинг ва ҳозирги кундаги олимларимизнинг аҳволи.

¹ Ўша манба. 33-бет.

² Ўша асар. 116 – 117-бетлар.

Улуғбек даврида Қозизода Румий, Али Кушчи ва унинг ўғли Мирам Чалабий, Шамсибек каби олимларнинг ҳаёти ва фожиалари, илмга қўшган хиссалари йирик планда акс эттирилади. Ҳозирги олимларни тасвирлаганда, адиб айрим “олим”ларга хос бўлган манманлик, обрў-эътибор, бойлик, шон-шуҳрат ортидан қувиш каби иллатлар орқали уларнинг асл башарасини очиб ташлайди.

Асарда икки даврдаги бир масала, яъни илм ҳақида баҳс юритилади. Улуғбек даврида янгилақларга қарши бўлган олимлар бугун ҳам мавжудлиги кўрсатилади. Ўзига бино қўйган сохта олимлар қораланади. Қиссани ўқиш жараёнида Жаҳонгирдаги фазилатларнинг айримлари бизга мирзо Улуғбекни эслатади. Билимга чанқоклик, адолатпарварлик, меҳрибонлик, садоқат, инсонларни улуғлаш, она ватанга бўлган муҳаббат, дили поклик – буларнинг барчаси асарнинг икки қаҳрамони – Улуғбек ҳамда Жаҳонгирга хос фазилатлар.

Улуғбекнинг астрономия илмида қилган кашфиётлари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Жаҳонгир эса ўзи ихтиро қилган элаллома орқали ана шу кашфиётларни яна бир карра фанга маълум қилади. Асар қаҳрамони Шамсибек ой тутилган тунда Ғаниполвонни даволамоқчи бўлади. Чунки ой тутилган пайтда дори, малҳам тайёрланиб, беморга берилса, ўша бемор тузалиши ҳақида Ибн Синонинг китобидан ўқиган ва шуни амалда си-наб кўрмоқчи бўлганда тажриба яқунланмай қолади, чунки уни ўлдиришди.

Ёзувчи асарда биз учун савол ва фикрлашга ўрин қолдиради. Асар якуни қандай бўлиши мавҳум қолади. Масалан, Жаҳонгир элаллома ёрдамида Шамсибекнинг ҳаётини ўз кўзи билан кўради ва Шамсибекнинг ой тутилган кунда тошбўрон қилинганини айтади. Бироқ унинг кейинги ҳаёти ҳақида эса гап йўқ. У тирик қолдими ёки вафот этдими? Оиласи, ота-онасининг ҳоли не кечди? Мирзо Улуғбек бу фожиага қандай муносабат билдирди? Қисса якунида қуйидаги гап берилади: “...Элаллома тиклаган воқеаларда мен биринчи шахс сифатида иштирок этдим. Ёзишда учинчи шахс сифатида, четда туриб қоғозга туширдим. Таҳлил учун шу усул маъқул бўлди. Ундан ташқари, қандай ёзишни кўп ўйлашга фурсатим ҳам йўқ эди. Эртага тажрибахонада хулосаларимни баён қиламан. Катта таҳлил бошлаймиз. Кейин мияни электроддан халос этиб, янги ҳудумга шайланамиз”.¹ Тажриба якунида қандай хулосага келинди? Элалломалар тўлиқ ўзига юклатилган вазифани адо этдими ёки йўқми? Ой тутилганда қилинадиган муолажанинг таъсири исботландими? Тиббиётда бу усулдан фойдаланилдими? Асарни ўқир экансиз беихтиёр ана шундай саволлар ўқувчи ҳаёлидан ўтади. Бу, ўз навбатида, адиб ва ўқувчини бир-бирига яқинлаштиради, улар орасида илиқликни юзага келтиради. Бу адабиётда ўқувчини ижодга шерик қилиш дейилади.

¹ Тохир Малик. Танланган асарлар. 1-жилд. Т., “Шарқ”, 2004, 123-бет.

Ёзувчи мазкур воқеалар силсиласини моҳирона тасвирлайдики, қиссани ўқиб тамомлаган ўқувчи қалби турли ҳиссиёт, тасаввурларга эга бўлади. Бир неча кун шу асар таъсиридан чиқолмайди. Асар ва унинг қаҳрамонлари ҳаётини анализ қилиб юради. Бу эса, ўз навбатида, Тохир Маликнинг ўзига хос ифода услубидан далолат беради.

Резюме

Бу мақола Тохир Маликнинг “Фалак” қиссаси ҳақида бўлиб, унда ёзувчининг образ яратиш маҳорати очиб берилади.

Резюме

Это статья о повести “Фалак” Тахира Малика. В статье приведено отношение и стиль писателя.

Resume

This article is about “Falak” by Takhir Malik and about his style of writing.

Б. Халмуратов¹

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ДУНЁҚАРАШИ ВА ДИНИЙ ҚАРАШЛАРИ ТИЗИМИДА “МОМО” КУЛЬТИ

Шомонлик эътиқоди қадимда Ўрта Осиёда кенг тарқалган бўлиб, туркий халқлар тарихи ва турмуш тарзида муҳим ўрин тутган.² Тарихий манбаларнинг шохидлик беришича, шомонлик анимистик эътиқодларнинг маълум босқичида пайдо бўлган. Туркий халқлар аجدодлари ёрдамчи руҳлар, яъни парихонлар, отахонлар ва момолар мавжудлигига, шунингдек, дев ва жинлар борлигига қаттиқ ишонганлар. Одамлар “руҳлар шомонларга хизмат қилади, улар турли топшириқларини бажаради”, шомонлар одамлар билан руҳлар ўртасида мулоқот қила олиш қудратига эга, деб тасаввур қилганлар.

Шомон фаолияти жараёнида руҳлар алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекларда қадимдан руҳларга дуалистик муносабатда бўлиш натижасида ва одамга бўлган муносабатига қараб, икки тоифага ажратилган. Биринчи тоифага ҳомий ёки яхши руҳлар: момолар, парилар, чилтонлар, онахонлар ва отахонлар, фаришталар; иккинчи тоифага эса ёмон руҳлар: девлар, алвастилар, жинлар, “сук” ва “зиён” каби руҳлар кирган.

Шомон руҳларидан бири “момолар” деб номланади. Бу турфа хиллик илк маротаба қадимги тожиклар мисолида О. А. Сухарева томонидан ўрганилган. Олиманинг қайд этишича, тоғли тожиклар момо руҳлари бола туғилишида доя-аёлларни қўллайдиган асосий ҳомий руҳ ҳисоблаганлар.³ Халқ

¹ Б. Халмуратов, Наманган Давлат университети ўқитувчиси.

² Каранг: Roux J. P. Elements shamaniques dans les textes pre-non gols. Anthros, 1958, № 53, p. 441-456; Inan A. Tarihte ve bugun samanism. Materiallari lor ve Arastirmalar. Ankara, 1972; Агаджанов С. Г. Огузские племена Средней Азии IX - XIII в. Страны и народы Востока. М., «Наука», 1971, вып. 10, с. 181 - 184; Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа. Ташкент, “Фан”, 1974, с. 324 - 330.

³ Сухарева О. А. Пережитки демонологии и шаманизма у равнинных таджиков. Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. М., “Наука”, 1975, с. 36.